ЗАМОНАВИЙ ЦИВИЛИЗАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ МУҲИТ ШАРОИТИДА ЎСМИРЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ИННОВАЦИОН МОДЕЛИ: “ОИЛА АКАДЕМИЯСИ” ТАЖРИБАСИ

Норқулов Ҳуснидин Дўсбекович
педагогика фанлари номзоди, доцент.
Оила ва гендер илмий-тадқиқот институти катта илмий ходим
E-mail: husniddinnorkulov1969@gmail.com
Тел.: (90) 925-08-69

Аннотация: *Мақолада замонавий цивилизация ва рақамли муҳит шароитида ўсмирларни оилавий ҳаётга тайёрлаш масалалари таҳлил қилиниб, миллий қадриятлар ва замонавий педагогик ёндашувлар интеграциясига асосланган “Оила академияси” инновацион ижтимоий-педагогик модели таклиф этилган. Модель мактаб, оила, маҳалла ва рақамли таълим платформалари ҳамкорлиги асосида ўсмирларда оилавий масъулият, ҳуқуқий ва гендер маданияти, молиявий саводхонлик ҳамда барқарор оила қуриш компетенцияларини шакллантиришга қаратилган бўлиб, унинг илмий-амалий аҳамияти асослаб берилган.*

Калит сўзлар: *ўсмирлар, оилавий ҳаётга тайёрлаш, “Оила академияси”, инновацион ижтимоий-педагогик модель, оилавий компетенциялар, миллий қадриятлар, рақамли муҳит, гендер маданияти, рақамли педагогика, ижтимоий шериклик, барқарор оила, компетенциявий ёндашув.*

Аннотация: *В статье проанализированы вопросы подготовки подростков к семейной жизни в условиях современной цивилизации и цифровой среды. Предложена инновационная социально-педагогическая модель «Семейная академия», основанная на интеграции национальных ценностей и современных педагогических подходов. Модель направлена на формирование у подростков семейной ответственности, правовой и гендерной культуры, финансовой грамотности и компетенций построения устойчивой семьи на основе взаимодействия школы, семьи, махалли и цифровых образовательных платформ. Обоснована её научная и практическая значимость.*

Ключевые слова: *подростки; подготовка к семейной жизни; «Семейная академия»; инновационная социально-педагогическая модель; семейные компетенции; национальные ценности; цифровая среда; гендерная культура; цифровая педагогика; социальное партнёрство; устойчивая семья; компетентностный подход.*

Abstract: *This article analyzes the issues of preparing adolescents for family life in the context of modern civilization and the digital environment. It proposes the innovative socio-pedagogical model "Family Academy", based on the integration of national values and contemporary pedagogical approaches. The model aims to develop adolescents' family responsibility, legal and gender culture, financial literacy, and competencies for building a stable family through cooperation among schools, families, mahalla communities, and digital educational platforms. The scientific and practical significance of the proposed model is substantiated.*

Keywords: *adolescents; preparation for family life; Family Academy; innovative socio-pedagogical model; family competencies; national values; digital environment; gender culture; digital pedagogy; social partnership; stable family; competency-based approach.*

Кириш

Глобаллашув, рақамли технологиялар, сунъий интеллект ва ахборот-коммуникация воситаларининг жадал ривожланиши замонавий жамият ҳаётининг барча соҳалари қаторида оила институти ва ёшларнинг ижтимоийлашув жараёнига ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Рақамли муҳитнинг кенгайиши ўсмирларнинг оила, никоҳ ва оилавий муносабатларга оид қарашларини ўзгартириб, уларда ҳаётий компетенциялар, масъулият ва миллий қадриятларни шакллантиришга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирмоқда. Шу боис ўсмирларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг мазмуни, шакллари ва механизмларини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш долзарб илмий-педагогик вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: “Аждодларимиз инсоният тараққиёти учун қандай буюк ишлар қилган бўлса, сизлар Янги Ўзбекистонда янги уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратадиган куч бўлишингиз керак!”[1], - деб таъкидлаган. Бу эса ёшларнинг нафақат касбий, балки оилавий ҳаётга тайёргарлигини ҳам замонавий ёндашувлар асосида ташкил этиш зарурлигини англатади.

Ўзбекистонда оила институтини мустаҳкамлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва миллий қадриятларни асраб-авайлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Бу борада рақамли цивилизация шароитида мактаб, оила, маҳалла, олий таълим муассасалари, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда рақамли таълим платформалари имкониятларини интеграция қилувчи яхлит ижтимоий-педагогик модель етарли даражада ишлаб чиқилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 19 майдаги “Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш тизимини янада токомиллаштириш ҳамда олавий маслаҳат хизматларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 257-сонли қарори[2] ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда бевосита дастурамал бўлиб хизмат қилади.

Халқаро тажрибада ҳам ёшларда ҳаётий компетенциялар, ижтимоий масъулият, рақамли маданият ва барқарор муносабатлар кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса миллий қадриятлар, компетенциявий ёндашув ва рақамли педагогикани уйғунлаштирган инновацион таълим моделларини ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Шундан келиб чиқиб, мазкур мақолада мактаб, оила, маҳалла, олий таълим муассасалари, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда рақамли таълим платформалари

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 30-июнь – Ёшлар кунидаги нутқидан. 30.06.2026.

[2] Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги “Оила институтини янада ривожлантириш ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 820-сонли қарори. *(Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон; 10.08.2022 й., 09/22/438/0726-сон).*

ҳамкорлигига асосланган “Оила академияси” инновацион ижтимоий-педагогик модели таклиф этилган. Модель ўсмирларда маънавий-ахлоқий, психологик, ҳуқуқий, иқтисодий, гендер ва рақамли компетенцияларни комплекс шакллантириш орқали уларни барқарор оилавий ҳаётга тайёрлашга қаратилган.

Мақоланинг мақсади замонавий цивилизация ва рақамли муҳит шароитида ўсмирларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг назарий асосларини таҳлил қилиш ҳамда “Оила академияси” инновацион ижтимоий-педагогик моделини илмий жиҳатдан асослашдан иборат.

Замонавий цивилизация ва рақамли муҳит шароитида ўсмирларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг назарий асослари.

XXI асрда инсоният тараққиёти рақамли технологиялар, сунъий интеллект, глобал коммуникациялар ва ахборот алмашинувининг жадал ривожланиши билан тавсифланмоқда. Бу жараёнлар ижтимоий муносабатлар тизимига, инсоннинг ҳаёт тарзига ва қадриятлар тизимига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, ўсмирларнинг шахс сифатида шаклланиши, ижтимоийлашуви ҳамда оила, никоҳ ва масъулият ҳақидаги тасаввурлари рақамли муҳит таъсирида янги мазмун касб этмоқда.

Замонавий рақамли муҳит ўсмирлар учун билим олиш, мулоқот қилиш ва шахсий ривожланиш имкониятларини кенгайтирган бўлса-да, ахборотнинг чекланмаганлиги, виртуал муносабатларнинг устунлиги, оммавий маданият таъсири, ижтимоий тармоқлар орқали тарқалаётган турли ғоялар ва оилавий муносабатларга оид зиддиятли ахборотлар ёшларнинг оила ҳақидаги қарашларига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Натижада айрим ҳолларда никоҳнинг қадрият сифатидаги аҳамияти пасайиши, масъулиятсиз муносабатлар, оилавий роллар ҳақида нотўғри тасаввурлар ва шахсий манфаатларни жамоавий манфаатдан устун қўйиш каби ҳолатлар кузатилмоқда.

Ўсмирларни оилавий ҳаётга тайёрлаш - ёш авлодни никоҳ ва оила муносабатларини чуқур англаш, оилавий масъулиятни ҳис этиш ва соғлом, барқарор оилавий муносабатларни шакллантиришга тайёрлашга қаратилган муҳим педагогик ва ижтимоий жараёндир. Олимшунос олим Д.Холиқов эса, “Ёшларни оилавий ҳаётга мувоффақиятли тайёрлаш, уларнинг оилапарварлик хислатларига эга бўлишларини таъминлашда эса оилавий қадриятлар самарали, таъсирчан восита саналади”[3] – деб, келтириб ўтади.

Оила жамиятнинг энг асосий ижтимоий бўғини бўлгани сабабли, унинг барқарорлиги кўп жиҳатдан ўсмирларнинг оилавий ҳаётга қай даражада тайёрлигига боғлиқ. Бу борада Р.Комилов “Никоҳдан ўтаётган эркак ва аёл оила қуришга тайёр бўлишлари лозим. Бунинг учун, биринчи навбатда, ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи кишилар фарзандларини соғлом, одобли, мард, иродали, мағрур, меҳнатсевар қилиб тарбиялашлари керак”[4] – деб баён этган.

[3] Холиқов Д. “Оилапарвар ота-онага хос хусусиятлар”. “Ёшларни оилапарвар, ота-оналикка тайёрлашда оиланинг роли” Республика илмий-амалий конференция материаллари. 2013 йил 29 март. Тошкент-2013. – 261 б. 7-бет.

[4] Комилов Р. Ўзбек халқи никоҳ маросимларининг ахлоқий ва эстетик моҳияти. Монография. –Т.: “Fan ziyosi” нашриёти. 2021. – 226 б. 61-бет.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ўсмирларни оилавий ҳаётга тайёрлаш фақат муайян билим бериш билан чекланмай, балки уларда оилавий қадриятлар, ҳуқуқий маданият, гендер маданияти, мулоқот кўникмалари, эмоционал интеллект, молиявий саводхонлик ва масъулиятли ота-оналик компетенцияларини шакллантиришни қамраб олувчи узлуксиз педагогик жараён сифатида ташкил этилиши лозим.

Жаҳон педагогикасида мазкур йўналиш “ҳаётий компетенциялар” (Life Skills Education) концепцияси асосида ривожланмоқда. Унда ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, конструктив мулоқот қилиш, муаммоларни ҳал этиш, қарор қабул қилиш, танқидий фикрлаш ва ижтимоий масъулиятни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади[5]. Бироқ мазкур ёндашувлар миллий қадриятлар, анъанавий оила институти ва маҳалла каби ижтимоий институтлар билан уйғунлаштирилгандагина юқори самара беради.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ўсмирларни оилавий ҳаётга тайёрлаш жараёнида қуйидаги муаммолар сақланиб қолмоқда:

- ✓ оилавий ҳаётга тайёрлашнинг узлуксиз педагогик тизими мавжуд эмас;
- ✓ рақамли муҳитда оилавий қадриятларни тарғиб қилиш механизмлари етарли даражада ривожланмаган;
- ✓ мактаб, оила, маҳалла ва давлат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик барча ҳудудларда бир хил йўлга қўйилмаган;
- ✓ педагогларнинг мазкур йўналишдаги касбий компетенциялари турлича даражада;
- ✓ ўсмирларнинг ёш, индивидуал ва психологик хусусиятларига мос рақамли таълим контентлари етарли эмас.

Демак, мазкур ҳолатлар ўсмирларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича янги институционал ва педагогик ёндашувларни ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади. Бунда миллий қадриятлар, илмий-педагогик ёндашувлар ва рақамли технологиялар интеграциясига асосланган тизимли модель алоҳида аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан, тадқиқот доирасида “Оила академияси” инновацион модели таклиф этилмоқда. Ушбу модель мактаб, оила, маҳалла, олий таълим муассасалари, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда рақамли таълим платформаларининг ўзаро ҳамкорлиги асосида ўсмирларда оилавий компетенцияларни босқичма-босқич шакллантиришга қаратилган яхлит ижтимоий-педагогик тизим ҳисобланади. Мазкур модель рақамли муҳит имкониятларини миллий тарбия анъаналари билан уйғунлаштириш орқали ёшларни мустақил оилавий ҳаётга ҳар томонлама тайёрлашни назарда тутади.

Бу борада ўзбек педагоглари таъкидлаганидек, “Тарбиянинг самарадорлиги таълим муассасаси, оила ва жамоатчилик ҳамкорлигининг изчил ва узвий ташкил этилишига боғлиқ”[6]. Ана шу илмий ёндашувлар “Оила академияси” моделининг назарий-педагогик асосини ташкил этади.

[5] World Health Organization (WHO). *Life Skills Education for Children and Adolescents in Schools*. (Мактабларда болалар ва ўсмирлар учун ҳаётий кўникмалар таълими) Geneva: WHO, 1997. – 53 p.
[6] Ҳошимов К., Нишонова С. **Педагогика.** – Тошкент: Ўқитувчи, 2005.

Замонавий цивилизация шароитида ўсмирларни оилавий ҳаётга тайёрлашга таъсир этувчи омиллар (жадвал)

Омиллар	Ижобий таъсири	Мавжуд хавф ва муаммолар	Педагогик ечим
Глобаллашув жараёнлари	Илғор тажриба ва маданий алмашинув имкониятларини кенгайтиради	Миллий қадриятлар ва анъаналарнинг сусайиши хавфи	Миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига асосланган тарбия
Рақамли технологиялар	Таълим ресурсларидан тезкор фойдаланиш, мустақил ўқиш имконияти	Ахборотга қарамлик, рақамли хатарлар, нотўғри контент таъсири	Рақамли маданият ва медиасаводхонликни ривожлантириш
Ижтимоий тармоқлар	Мулоқот ва ахборот алмашинувини осонлаштиради	Виртуал муносабатларнинг реал муносабатлардан устун келиши	Танқидий фикрлаш ва рақамли мулоқот маданиятини шакллантириш
Сунъий интеллект ва инновациялар	Индивидуал таълим ва интерактив ўқитиш имкониятларини кенгайтиради	Тайёр маълумотга ортиқча суяниш, мустақил фикрлашнинг пасайиши	AI воситаларидан масъулиятли ва мақсадли фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириш
Оила муҳити	Бирламчи тарбия, меҳр-муҳаббат ва қадриятларни шакллантиради	Оилавий низолар, тарбияда изчилликнинг етишмаслиги	Ота-оналар педагогик маданиятини ошириш ва ҳамкорликни кучайтириш
Таълим муассасаси	Компетенцияларни тизимли шакллантириш имконини беради	Назариянинг амалиётдан узилиши, интеграциянинг етарли эмаслиги	Компетенциявий ва амалий таълим технологияларини жорий этиш
Маҳалла ва жамоатчилик	Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва миллий анъаналарни мустаҳкамлайди	Ҳамкорликнинг барча ҳудудларда бир хил эмаслиги	Мактаб–оила–маҳалла ҳамкорлигини институционаллаштириш

Жадвал таҳлили шуни кўрсатадики, замонавий цивилизация шароитида ўсмирларни оилавий ҳаётга тайёрлашга таъсир этувчи омиллар кўп қиррали хусусиятга эга бўлиб, мазкур омилларни алоҳида эмас, балки миллий қадриятлар, компетенциявий ёндашув, рақамли педагогика ва ижтимоий шериклик тамойиллари асосида ягона тизимга интеграция қилиш зарур. Демак, мазкур тадқиқотда “Оила академияси” инновацион ижтимоий-педагогик модели таклиф этилган бўлиб, у мактаб, оила, маҳалла, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда рақамли таълим платформаларининг ҳамкорлигини таъминлаш орқали ўсмирларда барқарор оилавий ҳаёт учун зарур компетенцияларни комплекс шакллантиришга хизмат қилади.

“Оила академияси” – ўсмирларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг инновацион ижтимоий-педагогик модели.

Замонавий цивилизация ва рақамли муҳит шароитида ўсмирларни оилавий ҳаётга тайёрлаш фақатгина алоҳида дарслар ёки тарғибот тадбирлари билан чекланмаслиги лозим. Бу жараён таълим, тарбия, ижтимоий ҳамкорлик ва рақамли таълим имкониятларини бирлаштирувчи яхлит педагогик тизим сифатида ташкил этилиши зарур. Шу мақсадда мазкур тадқиқот доирасида “Оила академияси” инновацион ижтимоий-педагогик модели ишлаб чиқилди.

“Оила академияси” – бу мактаб, оила, маҳалла, давлат ва жамоат ташкилотлари, олий таълим муассасалари ҳамда рақамли таълим платформаларининг ўзаро ҳамкорлиги асосида ўсмирларда барқарор оила қуриш учун зарур бўлган компетенцияларни босқичма-босқич шакллантиришга қаратилган узлуксиз таълим тизимидир.

Таклиф этилаётган модель анъанавий маънавий тарбия билан чекланиб қолмай, замонавий рақамли педагогика, интерфоал таълим технологиялари, ҳаётий компетенциялар ва ижтимоий ҳамкорлик тамойилларини ўзида мужассамлаштиради. Шу жиҳатдан ҳам қуйидаги чизмада рақамли жамият талабларига мос келувчи инновацион педагогик модель сифатида қаралади.

ЗАМОНАВИЙ ЦИВИЛИЗАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ МУҲИТ
(Глобаллашув • Рақамли технологиялар • AI • Миллий қадриятлар)

↓

“ОИЛА АКАДЕМИЯСИ”
инновацион ижтимоий-педагогик модели

↓

МАҚСАД: Барқарор оила қуриш учун зарур бўлган маънавий, психологик, ҳуқуқий, иқтисодий, коммуникатив ва рақамли компетенцияларни шакллантириш

↓

АСОСИЙ ПЕДАГОГИК МЕХАНИЗМЛАР		
Тамойиллар	Ҳамкорлик	Таълим технологиялари
✓ Узлуксизлик	✓ Мактаб	✓ Тренинглар

✓ Изчиллик ✓ Компетенция ✓ Миллий қадрият ✓ Рақамли таълим ✓ Ижтимоий шериклик ✓ Шахсга йўналтириш	✓ Оила ✓ Маҳалла ✓ ОТМ ✓ Давлат ташкилотлари ✓ Жамоат ташкилотлари	✓ Кейс-стади ✓ Ролли ўйинлар ✓ Лойиҳа ишлари ✓ Онлайн курслар ✓ AI ва рақамли платформалар

↓

ОИЛАВИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ					
Маънавий-ахлоқий тайёргарлик	Психологик тайёргарлик	Ҳуқуқий тайёргарлик	Иқтисодий тайёргарлик	Рақамли маданият	Ижтимоий-амалий тажриба

↓

НАТИЖА:
Оилавий қадриятлар, гендер маданияти, ҳуқуқий маданият, самарали мулоқот кўникмалари, молиявий саводхонлик, масъулиятли ота-оналик, рақамли маданият, барқарор оила қуриш компетенцияси

↓

БАРҚАРОР ОИЛА – БАРҚАРОР ШАХС – ИЖТИМОИЙ БАРҚАРОР ЖАМИЯТ

Моделнинг мақсади: Ўсмирларда барқарор оила қуриш учун зарур бўлган маънавий, психологик, ҳуқуқий, иқтисодий, коммуникатив ва рақамли компетенцияларни шакллантириш орқали уларни мустақил оилавий ҳаётга комплекс тайёрлаш.

Моделнинг асосий вазифалари:

✓ оила институтининг жамият тараққиётидаги аҳамиятини англатиш;

✓ миллий ва умуминсоний оилавий қадриятларни шакллантириш;

✓ никоҳ ва оилага оид ҳуқуқий билимларни ошириш;

✓ гендер маданияти ва ўзаро ҳурмат тамойилларини қарор топтириш;

✓ оилавий мулоқот ва низоларни тинч ҳал қилиш кўникмаларини ривожлантириш;

✓ рақамли муҳитдан хавфсиз ва масъулиятли фойдаланиш маданиятини шакллантириш;

✓ молиявий саводхонлик ва оила бюджети юритиш асосларини ўргатиш;

✓ масъулиятли ота-оналик компетенцияларини ривожлантиришдан иборат.

“Оила академияси” модели қуйидаги илмий-педагогик тамойилларга асосланади:

✓ узлуксизлик;

✓ изчиллик;

✓ компетенциявий ёндашув;

✓ миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги;

✓ рақамли таълим технологияларидан самарали фойдаланиш;

✓ ижтимоий шериклик;

- ✓ амалий фаолиятга йўналтирилганлик;
- ✓ шахсга йўналтирилган таълим.

Мазкур тамойиллар ўсмирларнинг ёш хусусиятлари ва ижтимоий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда таълим жараёнини ташкил этиш имконини беради.

“Оила академияси” моделининг таркибий компонентлари:

Биринчи компонент – маънавий-ахлоқий тайёргарлик. Бу босқичда миллий қадриятлар, оила муқаддаслиги, фарзанд тарбияси, меҳр-оқибат, ватанпарварлик, масъулият, бағрикенглик ва инсонпарварлик каби фазилатлар шакллантирилади.

Иккинчи компонент – психологик тайёргарлик. Ўсмирларда эмоционал интеллект, стрессни бошқариш, конструктив мулоқот қилиш, низоларни ҳал этиш, ҳамдардлик ва оилавий муносабатларда психологик барқарорлик кўникмалари ривожлантирилади.

Учинчи компонент – ҳуқуқий тайёргарлик. Никоҳ ва оила тўғрисидаги қонунчилик, болалар ҳуқуқлари, ота-она мажбуриятлари, оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари ҳамда зўравонликнинг олдини олиш масалалари қамраб олинади.

Тўртинчи компонент – иқтисодий тайёргарлик. Ўсмирларга оила бюджети, шахсий молияни бошқариш, жамғариш, тадбиркорлик, меҳнат маданияти ва молиявий саводхонлик асослари ўргатилади.

Бешинчи компонент – рақамли маданият. Бу компонент рақамли хавфсизлик, ахборот маданияти, сунъий интеллектдан оқилона фойдаланиш, киберхавфсизлик, рақамли этика ва оилавий муносабатларда рақамли технологиялардан тўғри фойдаланишни ўз ичига олади.

Олтинчи компонент – ижтимоий амалий тажриба. Ўқувчилар тренинглар, кейслар, ролли ўйинлар, волонтёрлик лойиҳалари, "Оила клублари", "Келажак оиласи" семинарлари ва ижтимоий лойиҳалар орқали олган билимларини амалда мустаҳкамлайдилар.

Таклиф этилаётган “Оила академияси” моделининг асосий илмий янгилиги шундан иборатки, у илк бор:

- ✓ мактаб – оила – маҳалла – олий таълим – давлат ташкилотлари – рақамли таълим платформалари интеграциясига асосланган;
- ✓ компетенциявий ёндашув асосида ишлаб чиқилган;
- ✓ рақамли муҳитнинг ижобий имкониятларини миллий тарбия билан уйғунлаштирган;
- ✓ ўсмирларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг узлуксиз педагогик тизимини таклиф этади;
- ✓ амалий машғулотлар, рақамли ресурслар ва ижтимоий шерикликни ягона модель доирасида бирлаштиради.

“Оила академияси” инновацион ижтимоий-педагогик моделини амалга ошириш механизмлари ва баҳолаш тизими.

Ишлаб чиқилган “Оила академияси” инновацион ижтимоий-педагогик модели ўсмирларни оилавий ҳаётга тайёрлаш жараёнини тизимли ташкил этишга хизмат қилади. Модель замонавий цивилизация, рақамли муҳит ва миллий қадриятлар

таъсирида шаклланаётган янги ижтимоий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда таълим, тарбия, ижтимоий ҳамкорлик ва рақамли технологияларни ягона педагогик тизимга интеграция қилади.

Мазкур моделнинг марказида “Оила академияси” фаолияти жойлашган бўлиб, у мактаб, оила, маҳалла, давлат ва жамоат ташкилотлари, олий таълим муассасалари ҳамда рақамли таълим платформалари ўртасидаги ҳамкорликни таъминлайди. Ушбу ҳамкорлик асосида ўсмирларда маънавий-ахлоқий, психологик, ҳуқуқий, иқтисодий, гендер, коммуникатив ва рақамли компетенциялар босқичма-босқич шакллантирилади. Натижада барқарор оила қуришга тайёр, масъулиятли, ҳуқуқий ва иқтисодий саводхон, рақамли маданиятга эга шахс камол топиши кўзда тутилади.

Моделнинг амалий аҳамияти унинг аниқ ташкил этилган амалга ошириш механизми билан белгиланади. Тадқиқот доирасида “Оила академияси”ни жорий этишнинг тўрт босқичли механизми таклиф этилди.

Биринчи босқич – диагностика. Ушбу босқичда ўсмирларнинг оилавий ҳаётга тайёргарлик даражаси комплекс баҳоланади. Бунинг учун махсус диагностик сўровномалар, психологик тестлар, суҳбатлар ва компетенцияларни баҳолаш воситаларидан фойдаланилади. Баҳолаш жараёнида ўқувчининг оила ҳақидаги билимлари, миллий қадриятларга муносабати, ҳуқуқий саводхонлиги, мулоқот кўникмалари, рақамли маданияти ва иқтисодий билимлари аниқланади. Олинган натижалар кейинги таълим жараёнини индивидуаллаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Иккинчи босқич – таълим ва компетенцияларни шакллантириш. Бу босқичда “Оила академияси” дастури асосида назарий ва амалий машғулотлар ташкил этилади. Машғулотларда интерактив педагогик технологиялар, кейс-стади, ролли ўйинлар, тренинглар, муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, рақамли таълим платформалари ва сунъий интеллект воситаларидан фойдаланилади. Шу билан бирга, мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигида тарбиявий тадбирлар, мутахассислар иштирокида семинарлар ҳамда психологик машғулотлар ўтказилади.

Учинчи босқич – амалий фаолият. Ушбу босқичда ўқувчилар назарий билимларни ҳаётий вазиятларда қўллаш имкониятига эга бўладилар. Бу мақсадда “Оила клублари”, ижтимоий лойиҳалар, волонтёрлик фаолияти, дебатлар, амалий семинарлар ва ижтимоий ташаббуслар ташкил этилади. Шунингдек, ўқувчиларнинг ота-оналари, маҳалла фаоллари ва соҳа мутахассислари иштирокида оилавий мулоқотлар, ҳаётий кейсларни муҳокама қилиш ва ижтимоий шериклик тадбирлари амалга оширилади. Бу эса ўқувчиларда ҳаётий компетенцияларнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Тўртинчи босқич – мониторинг ва баҳолаш. Якуний босқичда ўқувчиларнинг эришган натижалари қайта баҳоланади. Бунинг учун дастлабки диагностика натижалари билан таққослаш асосида компетенциялар ўсиши таҳлил қилинади. Шунингдек, ўқувчининг портфолиоси, амалий лойиҳалари, ижтимоий фаоллиги ва оилавий муносабатларга оид кўникмалари комплекс баҳоланади. Мониторинг натижалари кейинги таълим жараёнини такомиллаштириш ҳамда дастур самарадорлигини баҳолаш имконини беради.

Демак, “Оила академияси” инновацион ижтимоий-педагогик модели, унинг таркибий компонентлари, амалга оширишнинг тўрт босқичли механизми ҳамда самарадорликни баҳолаш индикаторлари ишлаб чиқилди ва илмий асосланди. Таклиф этилган ёндашув ўсмирларни оилавий ҳаётга тайёрлаш тизимини миллий қадриятлар, компетенциявий ёндашув ва рақамли педагогика асосида такомиллаштиришга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий цивилизация ва рақамли муҳит шароитида ўсмирларни оилавий ҳаётга тайёрлаш миллий қадриятлар, компетенциявий ёндашув, рақамли педагогика ва ижтимоий шерикликка асосланган узлуксиз таълим тизими сифатида ташкил этилиши зарур. Таҳлиллар мазкур йўналишда мактаб, оила, маҳалла, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда рақамли таълим платформалари ҳамкорлигини таъминловчи яхлит инновацион моделни такомиллаштириш зарурлигини кўрсатди.

Мазкур муаммони ҳал этиш мақсадида тадқиқот доирасида “Оила академияси” инновацион ижтимоий-педагогик модели ишлаб чиқилди. Модель миллий қадриятлар ва замонавий педагогик технологияларни уйғунлаштирган ҳолда ўсмирларда маънавий-ахлоқий, психологик, ҳуқуқий, иқтисодий, гендер, коммуникатив ва рақамли компетенцияларни тизимли шакллантиришга қаратилган яхлит механизмни таклиф этади.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, унда илк бор рақамли муҳит талаблари, миллий тарбия анъаналари ва компетенциявий ёндашувни ўзаро интеграция қилган “Оила академияси” инновацион ижтимоий-педагогик модели таклиф этилди. Мазкур модель нафақат Ўзбекистон таълим тизимида, балки Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида ҳам ўсмирларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича замонавий педагогик технология сифатида қўлланилиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги амалий тавсияларни келтириш мумкин:

1. Умумий ўрта таълим муассасаларида “Оила академияси” инновацион ижтимоий-педагогик моделини босқичма-босқич жорий этиш ҳамда уни синфдан ташқари тарбиявий ишлар ва “Келажак соати” машғулотлари мазмунига интеграция қилиш тавсия этилади.

2. Ўсмирларни оилавий ҳаётга тайёрлаш самарадорлигини ошириш мақсадида мактаб, оила, маҳалла, олий таълим муассасалари ва тегишли давлат ҳамда жамоат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий шериклик механизмларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

3. Педагоглар, синф раҳбарлари, мактаб психологлари ва маҳалла мутахассислари учун оилавий ҳаётга тайёрлашга оид компетенцияларни ривожлантиришга қаратилган махсус ўқув-методик дастурлар ва малака ошириш курсларини жорий этиш тавсия этилади.

4. Ўсмирларда маънавий-ахлоқий, психологик, ҳуқуқий, иқтисодий, коммуникатив ва рақамли компетенцияларни комплекс шакллантириш мақсадида интерактив тренинглар, кейслар, ролли ўйинлар, ижтимоий лойиҳалар ҳамда рақамли таълим ресурсларидан кенг фойдаланиш зарур.

5. Таклиф этилган “Оила академияси” моделини турли ҳудудларда пилот тарзда апробация қилиш, унинг натижадорлигини илмий мониторинг асосида баҳолаш ҳамда олинган натижаларга кўра республика миқёсида босқичма-босқич жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 30-июнь – Ёшлар кунидаги нутқидан. 30.06.2026.
2. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги “Оила институтини янада ривожлантириш ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 820-сонли қарори. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон; 10.08.2022 й., 09/22/438/0726-сон).
3. Холиқов Д. “Оилапарвар ота-онага хос хусусиятлар”. “Ёшларни оилапарвар, ота-оналикка тайёрлашда оиланинг роли” Республика илмий-амалий конференция материаллари. 2013 йил 29 март. Тошкент-2013. – 261 б. 7-бет.
4. Комилов Р. Ўзбек халқи никоҳ маросимларининг ахлоқий ва эстетик моҳияти. Монография. –Т.: “Fan ziyosi” нашриёти. 2021. – 226 б. 61-бет.
5. World Health Organization (WHO). Life Skills Education for Children and Adolescents in Schools. (Мактабларда болалар ва ўсмирлар учун ҳаётий кўникмалар таълими) Geneva: WHO, 1997. – 53 p.
6. Ҳошимов К., Нишонова С. Педагогика. – Тошкент: Ўқитувчи, 2005.